

## Риёзус солиҳийн / Риёзус солиҳийн / 81-ҳадис

80 - ҳадис : «Аллоҳим! Сенга таслим бўлдим, Сенга иймон келтирдим, Сенга таваккул қилдим, Сенга қайтдим, Сен ила хусумат қилдим. (Сен берган ҳужжатлар ила душманларинг билан тортишдим) Аллоҳим, Ўзингдан ўзга илоҳ йўқ, Сенинг иззатинг ила мени залолатга кетказишингдан паноҳ сўрайман. Сен ўлмайдиган, тирик Зотсан, жину инслар эса ўлади».

1. 80. Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан яна ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дер эдилар: **«Аллоҳумма, лака асламту, ва бика ааманту, ва ʼалайка таваккалту, ва илайка анабту, ва бика хоосомту. Аллоҳумма, инний аъузу би ʼиззатика - лаа илааха илаа анта -ан тудилланий. Антал-Ҳайюллазии лаа йамуут, вал-жинну вал-инсу йамуутуун».**

\* Маъноси: **«Аллоҳим! Сенга таслим бўлдим, Сенга иймон келтирдим, Сенга таваккул қилдим, Сенга қайтдим, Сен ила хусумат қилдим. (Сен берган ҳужжатлар ила душманларинг билан тортишдим) Аллоҳим, Ўзингдан ўзга илоҳ йўқ, Сенинг иззатинг ила мени залолатга кетказишингдан паноҳ сўрайман. Сен ўлмайдиган, тирик Зотсан, жину инслар эса ўлади».**

*Муттафақун алайҳ. Бу имом Муслимнинг лафзи, имом Бухорий уни қисқа ривоят қилдилар.*

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)



HADIS.ISLOM.UZ  
NUBUVVAT MARVARIDLARI

